

ЎЗГАРГАН ЎҚИШ

№16
(19948)
2023 йил
1 март
чоршанба

1918 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ГАЗЕТАСИ



СУРАТДА: ЗАМИРА АБДУЛЛАЕВА.

Суюнчи

Носиржон ДЕҲҚОНОВ.

«Ёш китобхон» кўрик танловининг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилганлардан бири Чортоқ туманининг Пешкўргон қишлоғидаги 22-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Замира АБДУЛЛАЕВА танловнинг 20-30 ёшлар тоифасида энг юқори балл тўплаб, ғолибликни қўлга киритди.

Қанотли хушхабарни эшитган захотимиз Замира билан боғландик.
– Оқшлар, қўллаб-қувватлашлар учун ҳамюртларимизга, вилоят ва туман ҳокимликларига, халқ таълими тизимидаги ҳамда ёшлар ташкилоти раҳбарларига ташаккурларим бўлсин. Ҳозир йўлданман. Аслида барча кўтлов ва тилаклар мактабимиз жамоасига, хусусан мактабимизнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси, «Репетитор» газетаси дойиҳа раҳбари, устозим Муҳаммад Валига бўлсин. У кишининг маслаҳат ва йўл-йўриқлари туфайли мен чин маънода китобхонлар ғолибига айландим...

Биз ҳамкасбимиз Муҳаммад Валини ҳам Замиранинг ютуғи билан самимий табриклаймизки, қишлоқ мактабида фаолият юритаётган истеъдод соҳибининг мамлакат миқёсидаги ютуғида муҳтарам Президентимиз қарори билан умумтаълим мактабларида ижодий-маданий масалалар тарғиботчиси лавозими жорий этилгани ўз натижасини бераётганини эътироф этиш ҳам қувончли!



Йўллаб юртга саррин сабони,
Баҳор берди боғларда нишон.
Оқшлайди қушлар забони,
Қиш тиз чўкди баҳорга, ишон!

Боғлар интиқ эди кўкларга,
Чечаклар гувранди муаттар.
Меҳр нурун сочиб оламга,
Қуёш рангин зираклар тақар.

Қаҳратонлардан омон чиққан,
Осмон тиниқ, замин зангори.
Тўтиб кетди оламни бирдан,
Меҳр-муҳаббатнинг ифори..!

Ойбек ОРТИҚОВ.

Марғизорликлар мамнун

Феруза ОТАХОНОВА.

Норин туманидаги Марғизор маҳалласида фуқаролар йиғини учун қурилган янги маъмурий бино фойдаланишга топширилди. Бу ерда фуқаролар билан ишлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича барча имкониятлар яратилди.

Маҳаллада 2596 нафар аҳоли истиқомат қилиб, хонадонлар 515 тани ташкил этади. Янги қад ростлаган маҳалла идорасида «бешлик» учун алоҳида-алоҳида хоналар мавжуд бўлиб, замонавий кўринишда жиҳозланди. Бинони фойдаланишга топширилишида туман ҳокими, сектор раҳбарлари, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш босқармаси бошлиғи Аҳмадjon Алоҳоджаев, нурунийлар ҳамда маҳалла аҳли иштирок этди.
– Туманимизда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. МФЙ биноси ҳам гўзал қиёфа касб этиши бунга яққол ми-сол. Маҳалламизда яшовчи тадбиркор Дилшодбек Мамаджонов қурилишда катта кўмак берди. Биз орзу қилган ҳамма шароитга эга бинода ишлаш нақадар яхши, – дейди маҳалла раиси Одилжон Турсунов.

✓ Хунармандчилик

Тепакўрғон толларидан тўқилган

Отабек ҚОБИЛОВ,
Чўст туманидаги Тинчлик маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ўзбек халқи қадимдан ўзининг нафосатга бой, асрлар давомида шаклланган ва сайқал топган халқ амалий санъати билан бутун дунёга машҳур. Шундай ноёб кўл меҳнати турларидан бири сават тўқиш санъатидир.

Сават тўқиш – азалий хунарлардан бўлиб, унинг илк кўринишлари ота-бобларимизнинг томорқа ва ҳовли атрофларини шох-шаббалардан қилинган махсус тўсиқ турлар билан ўраб келганларидан бошланади. Кейинчалик ҳар хил новдалардан турли-туман саватлар тўқишган. Уларнинг ҳар бири шакли ва ишлатиш жойига қараб турли номлар билан юритилган. Масалан, нон сават, қошиқдон, гулдон, мева-чева ва бошқалар учун. Махсулот талабига кўра махсус дўконлар бўлиб, у ерда ҳар хил саватлар сотилган.

Сават – муҳим рўзгор буюми саналади. Айниқса, тўй ва маросимларда кўп ишлатилади. У тол, тут, анор, туранил, юлгун новдаларидан тўқилади. Шунингдек, бугдой пояси, кейинчалик сим ва бошқалар аралаштирилган. Мазкур хунар ўрта Осиёда қадимдан кенг тарқалган. Буюм шакли ва ва-зифасига кўра турлича бўлади: кажава сават, нон сават, гулдор сават сингари. Ийрик новдалардан тўқилган саватлар авваллари қурилишда тупроқ, ништ, тош, кум, ганч ташишда, нозик новдалардан тўқилганлари ме-ва-чева, нон, кийим-кечаклар со-лишда ишлатилган.



Ҳозирда бу буюмнинг ба-дийлиги ва тури кўпайди. У – бадий хунармандчилик тури сифатида қайта этилган. Сават тўқишда хомашё сифатида му-айян дарахт новдалари, бугдой пояси, қамишдан фойдалани-лади. Новдалар сентябрь, ок-тябрьда йини олиниб, бир неча кун салқин жойда оқланади. Мустаҳкамлигини ошириш учун вақт-вақти билан сув се-тиб турилади. Шунда улар яхши бўкилиб, синмайдиган бўлади.

Айниқса, қора тол новдасидан тўқилган саватлар қадрланган. Баъзан новдаларнинг пўсти то-заланиб ҳам сават тўқилади. Ўзбекистоннинг барча вилоят-лари, жумладан, Фарғона, На-манган, Тошкент ва бошқаларда кенг тарқалган.

– Маҳалламиздаги қаровсиз ётган бўш бинода тошкент-лик тадбиркор Қамарбек Жўраевнинг ташаббуси ва ин-вестицияси билан ҳаракат бош-ланди. Уни Тепакўргон маҳалла фуқаролар йиғини ходимла-ри қўллаб-қувватлашиб, қисқа муддатли ўқув курсини ташкил этишди. Шу тариха ҳудуддаги ишсиз хотин-қизлар ва ёшлар-дан иборат салкам икки юзга яқин киши бу соҳага жалб этил-ди. Улар саватлар тўқишиб, савдога чиқаришиб, даромад топишяпти, – дейди МФЙ

хотин-қизлар фаоли Раъножон Тўхтаназарова.

Ажабланарлиси, аҳоли бу миллий хунарни шу қадар тез ўзлаштиришмоқдаки, ҳатто улар орасида кунига ўн-ўн бештагача махсулот тайёрлаёт-ганлар бор. Саватнинг асосий хомашёси «американка» деган тол ва деворгул новдаларидир. Маҳорат билан тўқилаётган саватларнинг дониси бозорда ўртача эллик мингдан юз минг сўмгача сотилапти.

Яна бир қўшимча сифа-тида шунини айтиш лозимки, маҳалладаги 16- ва 49-мак-табларда ҳам бу хунарни кенг қамровда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Иш ўрнини қўтайтириш учун эса албатта хомашё масаласини ҳал этиш зарур. Шу мақсадда тадбиркор йигирма гектар майдонга «а-мериканка» толи ва деворгул экиб, хомашёни шу ернинг ўзида яра-тиб, фаолиятни ривожланти-ришни мақсад қилган. Кейинча-лик айниқса, аёлларимизнинг уйда ўтириб, ишлашлари учун хомашёни уйларида етказиб бериш ҳам йўлга қўйилмоқчи.

Иш жараёнини четдан ку-затар эканмиз, хунарни зий-раклик билан ўрганиб, меҳнат қилаётган, таътил вақтларини шу ерда ўтказиб, унумли фойда-ланган ёшларни кўриб қувондик. Улар орасида 19-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Жасурбек Са-лимов эътиборимизни тор-ди. Жасурбек кизиқиши, зехни ўткирлиги боис сават тўқишни тез ўрганиб олди. Мактабдан бўш вақтини шу ерда ўтказди. Ўзи тўқиган махсулотлари би-лан гурурланиб, қўллари тобо-ра чакқонлашиб бораётгани-дан хурсанд. Ёш бўлса-да ҳалол меҳнати билан оила бюджетига ўз ҳиссасини қўшаётганидан, бундан ота-онаси миннатдор эканлигини яширмайди.



Чорвада барака бор!

Муҳиддин МАҒЗУМОВ.



Мингбулоқ туманидаги «Мингбулоқ асл барака чорва» фермер ҳўжалиги ташкил этилганига икки йил бўлди. Ушунда бир гектардан зиёд майдонда ферма қурилиб, Германиядан тўқсон бир бош «Симентад» зотли гунажин келтирилганди.

– Аввалига 1 миллиард 800 миллион сўмга олтиш бош қорамол олиб кел-дик, – дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Ботиржон Ўсубжонов. – Кейинроқ яна ўттиз бир бош наслдор чорванинг ҳар бирини 29 миллион сўмдан сотиб ол-

дик. Ем-хашак захирамиз ҳам етарли. Бунини етиштириш учун илтифотимизда 90 гектар еримиз бор. Бугунги кунда қорамоллар кўпайиб, икки юзтадан ортди. Бузоқлар доимий парваришда. Сипирларнинг махсусдорлиги 15-20 литрданни ташкил қилади. Ферма-мизда ўн икки киши доимий иш би-лан таъминланган. Истиқболдаги ре-жаларимиз ҳам катта – чорва сонини қўтайтириб, сўғни қайта ишлаш кор-хонасини қуриш ниятидамиз. Асосий мақсадимиз эл дастурхонига ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва мазали сўт махсулотларини етказиб беришдир.

● Тафаккур

Ўқиш тафаккурни чуқурлаштиради, ақлни изланиш ва ҳодисаларни таҳлил қилишга ундайди.

Академик мобиллик – замонавий олий таълимда яна бир қулайлик

Анвар **ДЕҲҚОНОВ**,
НамМҚИ муҳандислик коммуникациялари факультети декани ўринбосари.

Олий таълим соҳасида таълим сифатини ошириш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар туфайли ўқишни кўчириш учун рухсат бериладиган тоифалар сони кескин қисқартирилди. Янги тартибга кўра, кредит-модул тизими асосида таълим олаётган талабалар учун ўқиш жойини кўчириш фақатгина икки ҳолатда: турмуш қурганда ва давлат қизматчиларининг хизмат жойи ўзгарганда мумкин бўлиши белгилаб қўйилди.

Маълумки, абитуриентлар ўқишга ҳужжат топширишда бештагача олий таълим муассасасини танлашни ҳамда биргина имтиҳон топшириб шу ОТМлардан бирига ёки бир нечтасига ўқишга кириши мумкин. Қўп ҳолларда абитуриентлар бошқа вилоятлардаги ОТМга ўқишга кириб қолишади. Натижада, ўқув йили сўнгига бориб кўп сонли талабалар ўқишини кўчириш бўйича мурожаат қилмоқдалар.

Савол туилади: ўқишни кўчиришга бўлган талабни қандай қондириш мумкин?

Бундай ҳолда жаҳон тажрибаси кредит-модул тизимида академик мобиллик асосида шаҳарлар ва мамлакатлар ўртасида талабалар алмашинуви жорий этилган. Масалан, ОТМ ректорларининг ўзаро келишув меморандумига кўра Наманганда ўқиётган хоразмлик талаба бир ўқув йилида икки семестр давомида Хоразмдаги ОТМда ўқиб келиши мумкин бўлади. Аммо, талаба дипломини қайси ОТМга ўқишга кирган бўлса, ўша ердан олади.

Шунингдек, наманганлик талаба ўзи хоҳласа Намангандаги ўқишдан Тошкент шаҳридаги ОТМга академик мобиллик асосида бориб, бир ёки икки семестр давомида таълим олиб қайтиши мумкин.

Эътиборлиси шундаки, академик мобиллик талабалар билан биргаликда ўқитувчиларни ҳам мамлакатимиздаги ёки хориждаги ОТМларда келишув асосида маълум муддат ўқиш ёки

дарс беришга имкон яратади.

Амалиётда академик мобиллик асосида ўқиётган талабалар икки гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳ дастур доирасидаги талабалар – бунда ОТМнинг ўзи ёки унинг бирор факультети бошқа ОТМ билан келишган ҳолда талабалар учун ўзаро алмашинув дастурларини амалга оширади. Дастурлар миллий ва халқаро даражада ҳам бўлиши мумкин. Масалан, эрасмус дастури талаба алмашинуви имконини берадиган машҳур дастурлардан бири.

2-гуруҳ эркин ҳаракатланувчилар – бундай турдаги талабалар ўз хоҳиш ва ташаббуслари билан таълим олиш учун бошқа ҳудудларга боришади.


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60 сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида»ги 541-сонли буййиқдага ўзаро келишувлар асосида республика олий таълим муассасалари турли вилоятлардан

келган талабаларни академик мобиллик асосида ўқитишлари мумкинлиги белгиланган.

Наманган муҳандислик-қурилиш институтида ҳам ушбу буйруқ ижросини амалга ошириш мақсадида 2022-2023 ўқув йили баҳорги семестрида 32 нафар талаба Урганч Давлат университети, Термиз муҳандислик технологиялари институти, Нукус Давлат университети, Фарғона политехника институти, Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти каби республикамизнинг 15 дан ортиқ олий таълим муассасаларида академик мобиллик доирасида ўқишни давом эттиради.

Яқинда институтда ўтказилган йиғилишда ўқув ишлари бўйича проректор Қ. Иноятов академик мобиллик бўйича бошқа ОТМларда ўқиш истagini билдирган талабаларга маъмур масала юзасидан тушунчалар бериб, талабаларга ушбу тартибда таълим олишнинг маъсулияти, бурч ва мажбуриятлари ҳақида тўхталди. Муҳандислик коммуникациялари факультети декани Ф. Нишонов ҳамда саноатни ахборотлаштириш ва кимё технологиялари факультети декани А. Қаҳҳоровлар академик мобиллик доирасида таълим олишда талабалар эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар бўйича ҳаётий мисоллар асосида маълумот бердилар.

Амалиётта жорий этилган бу қулайликдан талабалар ва уларнинг ота-оналари ҳам мамнун бўлишмоқда.



Шу таклиф амалга ошса...

Анасбек **ҲАМДАМОВ**,
«Наманган ҳақиқати»нинг жамоатчи муҳбири.

Бугунги турмушимизни уяли телефонсиз тасаввур этиш қийин. Боғча ёшдаги болақайдан тортиб, ота-оналару бобо-ю момоларимизнинг қўлларида шапалоқдек ускуна. Интернету телеграми билан. Бу табиийки, ҳаётий зарурат. Узоғингиз яқин, мушкулнингиз осон бўлаётгани бор гап.

Минглаб километр масофадаги яқинларингизни худди рўпарангизда тургандай қўриб, суҳбатлашаварсиз. Онлайн дейсизми, виртуал дейсизми, ишқилиб, кичкина экран орқали дийдорлашувдан кўнглингиз хотиржамлик топади. Бейхтиёр кичкинагина қутича ичига шунча маълумоту билимларни сиғдира олган воситани истихро қилганларга тасаннолар айтсиз.

Қўплар қаторида мен ҳам Mobiuz компаниясига аъзо бўлганман. Аммо мени бошқа бир нарсга жиддий уйлантиради. Телефонимга ихтиёримсиз келаётган турли-туман SMS хабарларига назар ташлаб тураман. Унда муҳим огоҳлантириш ва янгиликлардан ташқари турли хил ўйинларда иштирок этиш таклифлари ҳам тез-тез ҳаёлимни олиб туради. Ўйинларда арзимас сумма билан эҳлик, юз минг сўмдан бошлаб то юз миллион сўмгача бўлган мабланни осонликча ютиб олиш мумкинлиги ҳақида чиройли ваъдалар берилади.

Хали бировдан ёмонлик кўрмаган, бу ёрут дунёни фақат тиниқ ва тоза нурлардан, эзулқидан иборат деб қўрган ёшлар, болақайлар бейхтиёр «лақа» тушиб, иштирокчига айланиб қоладилар. Уяли телефоннинг ҳам нафси ўпқон шекилли, ундан бунга, бундан унга ўтинг, дея кўрсатма бериб, иштирокчининг пулини шибиб олаверадики, ютқудан эса дарак йўқ. Ҳафсаласи «пир» бўлган иштирокчи қўлини силтаб, ўйиндан чиқиб кетганда эса анча-мунча қарздор бўлиб қолган бўлади. Бу тўловларни тўлашга кўзи етмаган болақай эса кичиккина жиноятга қўл уришдан ўзини тўхтатолмайди. Бу – бошланиши.

Ўзун-қулоқ маълумотларга қараганда, биз шу ёшга кириб эшитмаган, ақлимиз бовар қилмайдиган, гирдобга ўхшаган ғалати ўйинлар ҳам бор эканки, оқибатда иродаси сўст ёшлар ҳатто ўз жонига қасд қилишгача борар экан. Шундай ҳолатларни ешитганда, булар ҳам инсонни охирада ҳароб қиладиган маданий қиморбозлик экан-да, деб қўяман.

Ёш авлод тарбияси ҳамма замоналарда бўлгандек, бугуннинг ҳам энг долзарб масаласи ва муаммоси, десак янглишмаймиз. Бу борада Президентимиздан тортиб ҳукуматимизгача нима иш қилиш лозим бўлса қиялпти, қанча маблағ керак бўлса сарфланаяпти. Келажагимиз эгаларининг қамолоти йўлида тинимсиз қайғурилмоқда. Бу – бизнинг, фарзандларимизнинг бахти.

Шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Ишончим комилки, мобил алоқа компанияларининг даромадлари ва имкониятлари бир-бириникидан яхши. Қани эҳди, улар ҳам фарзандларимизнинг китоб ўқиш, дарс тайёрлашга кетадиган вақтини бўлар-бўлмас, маза-матрасасиз ўйинларига сарфлайвермасдан, ўз тармоқлари доирасида матриқатпарварлик мақсадида ўғил-қизларимиз билимини, саводхонлигини ошириш, дунёқарабини кенгайтириш йўлида қизикари тестларга ўхшаш ўйинларни йўлга қўйишса. Ўйинлар шундай тарзда бўлиши лозимки, бу саволларни тўғри ва биринчи бўлиб топгани молиявий рағбатлантирилса.

Масалан, ёшлар ўртасида китобхонлиқни тарғиб этиш ниятида адабий-бадний мавзулардаги тест саволларини бериш мумкин: – Қайси асар қаҳрамонига ота-онаси томонидан исм қўйилмади?... «Шундай қилиб Ахмадпаловон сўйиладиган бўлди». – Бу қайси ёзувчининг ҳикоясидан олинган?

Ёки ота-онанинг фарзандлари тарбиясига доир ҳикоят: – Уч ўртоқ сафарга чиқиб, ҳавонинг ноқулайлигидан тоғдаги горга киришибди. Бехосдан горнинг озғи харсанг тош билан бекилиб қолади. Уч йипитта зулматда қолиш хавфи ваҳима солади. Улар Аллоҳдан гуноҳларини кечириб, горнинг озғини очилишини сўраб, илтижолар қилишар экан, ҳар бирлари шу пайтгача бошқаларга қилган яхшиликлари ҳақида сўйлай бошлаганиди. Шу чоғ йипитларнинг нолалари, дуолари Яратганга етиб бориб, гор озғидати тош четга сурилади... Ҳўш, бу уч ўртоқ нималар дейишган эди?... сингари.

Ҳамма бола китоб ўқийвермайди. Аммо ҳамма бола қўл телефоннинг доимий ҳамроҳи, ундаги ўйинларнинг ишқибози. Қизикари ўйинлар туркумидаги маънавий-матрифий йўналишдаги саволларни ўқиган, яна ундаги моддий манфаатдорликдан ҳабор топган иштирокчи албатта тўғри жавоб топиш учун изланади. Ҳеч бўлмаганда мактабдаги ўқитувчисидан, атрофдагилардан сўрайди. Ва натижада фойдали билимга муяссар бўлади. Мобил алоқа компаниялари шу ҳақда ҳам бир ўйлаб қўришса, асло афсусланишмасди. Хизмат учун ҳақ деб олавермай маърифат тарқатиш йўлида, аниқроғи, ёшлар билимдонлигини ошириш, фойдали томонга йўналтириш соҳасида ҳам хайру эҳсонлар қилиб турилса – нур устига аъло нур бўлар эди.



Бола отани танлайдими ёки онаними, суд-чи?

Улуғбек **ҲАМДАМОВ**,
фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди судьяси.

Фарзанд дунёга келганидан сўнг уни тарбиялаш, ғамхўрлик кўрсатиш ва ахлоқий қамолотига етказиш ота-онанинг оиладаги нафақат маънавий, балки қонун билан белгилаб берилган бурчи ҳам саналади.

Хусусан, ота-онанинг оиладаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси билан тартибга солинган.

Ушбу муҳим ҳужжат оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда масъулият ҳисси асосида қўриш, бирон-бир шахснинг ўзбошимчалик билан аралашилишга йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўқсинликсиз амалга оширишини таъминлашдан иборатдир.

Кодекс билан эр-хотин, ота-она ҳамда болалар ўртасидаги оилавий муносабатлар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Энди ҳаётимизда учраб турадиган ва кўпчилиқни қизиқтирадиган айрим масала, яъни айтилаик агарда ота-она ўзаро келишмовчилик сабаб алоҳида яшайдиган бўлишса, фарзандлар уларнинг қай бири билан қолади ва бу борада қонун ҳужжатларида қандай тартиб-тамоийлар белгиланган деган саволга Оила кодексининг 68-, 73-, 75-моддаларида жавоб келтирилган бўлиб, хусусан, ушбу кодекснинг 75-моддасида ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим.

Болаларнинг таълим-тарбиясига тааллуқли барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиққан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Агар ота-она ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улар (улардан бири) буни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда бўлиши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, боланинг ота-онани, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганиниги, боланинг ёшларини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг қамолоти учун шарт-шароитлар (ота-онанинг машғулот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Ушбу кодекс 68-моддасига кўра, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир. Бундан қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшдан қатъий назар, қўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиш керак деб кўрсатиб ўтилган.

Суд шунингдек, ушбу тоифадаги ишларни агарда ота-онанинг болани тарбиялаш, таъминлаш ва уларни ахлоқий қамолотига еткази олмайдиган деган ҳулосага келса, болаларни ота-онанинг ҳар иккисидан ҳам олиб қўйиш ҳақида васийлик ва ҳомийлик органига тегишли даъво билан мурожаат қилиш ҳақида кўрсатма беришга ҳамда хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Орамиздаги одамлар

Илмдан обрў топган оила

Зоҳидахон **КЕНЖАЕВА**.

Неъматовлар оиласини нафақат Ёртепа кўча маҳалласида, Тўрақўрғон туманида, балки вилоятда яхши танийдилар, ҳурмат билан тилга оладилар. Хонадон бошлиғи Мирзобохром ака анча йиллардан буён Наманган муҳандислик-қурилиш институтида талабаларга таълим бериб келади. Техника фанлари номзоди, доцент. Рафикаси Самидахон Каримова ҳам энг фаол, куйди-пишди аёллардан. Давлат ва жамоат ишларида узоқ вақтдан буён меҳнат қилиб келмоқда. «Шуҳрат» медали соҳибаси.

Хонадонда ота-онанинг уч ўғил-уч қанотлари тугилиб, ўсиб-ўлғайди. Фарзандлар атрофдаги одамлар ҳавас қиладиган даражада вояга етишмоқдаки, буни фақат уларнинг халол меҳнати-ю тўғри тарбиясидан, деб айтиш мумкин.

Тўнғич ўғил Жаҳонгир Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида грант асосида тахсил олди. Айни пайтда республика Молия вазирлигида масъул ходим. Урганчалари Фарҳоджон ҳам интилишда ақасидан кам бўлмади. Хорижий қўшма компаниялардан бирида бош муҳандис бўлиб ишлайди. Уларнинг турмуш ўртоқлари – Дилоромхон билан Гул-

норахонлар олий маълумотли мутахассис. Умр йўлдошларининг муваффақият қозонишларида бу овсинларнинг ҳам хиссалари катта.

Яқинда Неъматовлар хонадонига унутилмас, қувончли воқеа бўлди. Кенжа фарзанди Улутбекни уйлантиришди. У – отасининг издоши. Наманган муҳандислик-технология институтининг докторанти, бўлажак олим. Келинчак Моҳиул эса Наманган Давлат университети магистратурасида тахсил олади. Самидахон опа учинчи мартаба қайноналик-оналик мақомига муяссар бўлаётганидан боши осмонда.

Тўйдан сўнг бахтли хонадонга янги келин қўлидан чой ичгани туманининг фаол, бообўру хотин-қизлари ташриф буюришди. Келинчак уларга ибод билан салом бераркан, меҳмонларнинг чиройли дуоларини олди.

– Қизингиз йўқлигидан афсусланмайсизми? Ахир йипитлар – кўнанинг одами. Қолаверса, олисда хизмат билан банд – дея тусмолланиб сўраймиз Самидахон опадан.

– Ҳеч қачон! Ахир ўғилларим орқасидан келган келинларим – туққан фарзандимдан зиёда. Бизнинг чин қизларимиз деб қабул қилганмиш. Мен ўзимни улар билан қайнона-келин бўлиб эмас, она-боладек муносабатда тутаман. Ахир бировга меҳр берсангиз – албатта, сизга ҳам зиёдаси билан қайтади.

Энергетика тизими

Тармоқлар янгиланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Поп тумани электр таъминоти корхонаси ишчи-ҳодимлари томонидан аҳолини узлуксиз ва барқарор электр энергияси билан таъминлаш, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Учўйли маҳалласида жойлашган Янгийул кўчасида темир-бетон таянчлар ўрнатилиб, кабель тортиш ишлари олиб бориламоқда.

«Худудий электр тармоқлари»
Наманган худудий филиали матбуот хизмати.



Ажримлар – жамият таназзули

Нигорахон **ДОСБАЕВА**,
Уйчи тумани ФХДБ бўлими мудираси.

сонининг ортиб бораётгани оғриқли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

2021 йил давомида Уйчи туманининг ўзида 222 та ажрим қайд этилган бўлса, 2022 йил давомида бу кўрсаткич 306 тани ташкил қилди.

Бундай вазиятларга барҳам бериш ота-оналар, бобо-бувилар, ён-атрофдаги барча яқинларнинг ҳамда маҳалладаги ёши

улугларнинг вазифасидир. Ёшларни ҳаётга чидам, бардошли бўлиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишимиз керакки, улар оила мустақамлигини англашлари керак. Ажримлар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, қайнога-қайноналарда кечиримлилик, келинларда катталарга ҳурматда бўлиш етишмаётгандек. Оилада тутилган гўдақлар сарсон-сар-

гардон бўлмоқда. Уларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши, ота ёки она меҳридан жудо бўлиши эса улар келажаги учун хавфлидир.

Ажрим ёқасида турган оила аъзолари билан суҳбатлашдик. Келинни укувсизликда, катталарни ҳурмат қилмасликда айбонлашга катталар унга имкон ҳам қолдиришгани йўқ. Уч боланинг тақдир эса бобо ва бувини қизиқтирмайпти. Ке-

лажак авлоднинг тақдирига бефарқлиқни барча ажрим ёқасидаги оилаalarda қўриш мумкин.

Фарзандларимизни фаровон, бахтли ҳаётга етаклаш ҳам ёки ажрим аталмиш жарлик сари йўналтириб, жамиятни тўғри етим болаларга тўлдириб ҳам бизнинг ниятларимизга боғлиқ. Бу ҳақда ўйлаб кўрсак, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Ўқитувчи-мураббийлар беллашди

Оқилхон **ДАДАБОВЕВ**.

Наманган шаҳридаги спорт ўйинлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган спорт мактаби тасарруфидagi «Баркамол авлод» спорт мажмуасида маданият, спорт, туризм ходимлари касаба уюшмаси ташаббуси билан спорт мактабларининг ўқитувчи-мураббийлари ўртасида гандбол бўйича республика мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг тартиб этиш, меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий-лигини оширишга қаратилган мазкур турнирда тизимдаги ташкилот-муассасаларда фаолият олиб бораётган 25 ёшдан катта бўлган эркеклар, аёллар қирқдан зиёд гуруҳларда ўзаро баҳслашди.

Минта яқин иштирокчилари ўзида қамраб олган беллашувларнинг яқуний натижа-



ларига қўра, аёллар ўртасида рақибларидан устун келган Косонсой тумани спорт мактаби жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Фахрли иккинчи ўрин нориниқларга насиб этди. Турақўрғонлик қўла тули устаалари учинчи ўринни эгаллади.

Эркеклар ўртасидаги бахсларда ғалаба нашидасини сурган Учқўрғон тумани спорт мактаби жамоаси шохсупанинг энг юқори чўққисига кўтарилди. Косонсой туманидан келган мураббийлар иккинчи ўринга сазовор бўлди. Кучли учлиқда эса спорт ўйинлари ва енгил ат-

летикага ихтисослаштирилган спорт мактаби жамоаси қайд этилди.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари маданият, спорт, туризм ходимлари касаба уюшмаси вилоят бирлашган кўмитаси томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Биринчи ўрин соҳиблари Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги сўхаттоҳда дам олиш асносида турнирнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилишди.



Тақдимот

Лойиҳа доирасида

Фотимахон **ТОШМАТОВА**.

Аввал хабар берганимиздек, республика Маънавият ва маърифат маркази Уйчи тумани бўлинимаси халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг давлат грантлари танловида «Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш» йўналишини бўйича «Инсон қадри устувор давлат» мавзусидаги лойиҳаси билан ғолиб чиққанди.

Туман маданият марказида бўлиб ўтган тадбир мазкур лойиҳа доирасидаги амалий қадамлардан бирига бағишланди. Республика Маънавият ва маърифат маркази

ҳузуридаги ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори ўринбосари, юридик фанлари доктори, ҳуқуқшунос-педагог Мунира Қажҳорованинг «Инсон қадрини юксалтиришда жамоатчилик фикри» номили услубий қўлланма китобининг тақдироти иштирокчилар учун муҳим аҳамият касб этди.

Нуронийлар, ижодкор-тарғиботчилар, депутатлар ва иктидорли ўқувчи-ёшлар иштирокидаги тадбирда лойиҳа раҳбари, РМММ туман бўлинимаси бошлиғи Эйтиборхон Юнусова лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берди.

Муаллифнинг мавзу доирасидаги маърузасидан сўнг республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими бошлиғи Мусохон Ашпақов, туман Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши раиси Тохиржон Исматиладев ижтимоий-ҳуқуқий тарбиянинг муҳим жиҳатлари бўйича фикр-мулоҳаза ва тав-

сияларини ўртоқлашдилар.

Фахрий педагог Мухаммадjon Нишонов, таниқли ижодкор Адҳамжон Аҳмаджонов, «Usmom Nosir Media» нашриёти директори Алишер Жўраевлар китобнинг содда ва равон тил услуби ҳақида тўхтадилар.

– Поитахтда фаолият юритаётган ҳамюртимиз Мунира Қажҳорова ёш бўлишга қарамай, лойиҳа доирасидаги тадқиқотлари бўйича 31 та илмий мақолалар эълон қилган. Унинг илмий нашрларда 13 та, халқаро ва мамлакат миқёсидаги анжуманларда 23 та, оммавий нашрларда 100 дан ортиқ мақолалар эълон қилган.

Услубий қўлланмадаги «Бизга ахборот истеъмоли маданияти керак», «Хар қўчада бўлсайди», «Эр йигитга ярашмайди» «хўнар», «Ўзгаллик – қўрбонлик(ми)», «Дангасалликка ўратган узимиз эмасми?», «Ҳамазон – маънавият оий» сарлавҳали мақолаларини ўқир эканман, мазкур қўлланма барча соҳа раҳбар ва ходимлари, тадқиқотчилар, талабалар, кенг китобхонлар учун ҳам керакли манба бўлиб хизмат қилишини англадим, – дея услубий қўлланмани эътироф этди РМММ вилоят бўлими бошлиғи Мусохон Ашпақов.

Ўз касбининг пешқадамлари

Саодатнинг саодати

Қамбарали **ИБРАГИМОВ**, мактабнинг маънавий-маърифий масалалар бўйича тарғиботчиси.

Инсон тафаккури ва дунёқарашининг ўсиши, ўзлигини англаши, илм-маърифатли бўлишида китоб ва кутубхоналарнинг аҳамияти бениҳоядир. Янгичўрғон туманидаги 300 китобхонга хизмат кўрсатувчи 12-умумтаълим мактаби кутубхонаси ҳам ўқувчиларни камолот чўққисига етаклайдиган зиё масканларидан биридир.

Айни дамда кутубхонада бадийи ва сиёсий адабиётлар ҳамда методик қўлланмалардан иборат салкам икки минг нусха китоб, «Шарқ юлдузи», «Жаҳон адабиёти», «Тафаккур», «Маънавий ҳаёт» ва «Замонавий устоз» каби ўндан зиёд журнал ва газеталардан китобхонлар самарали фойдаланмоқдалар. Китобларни асраб-авайлаш, ранг-баранглигини таъминлаш, вақтида янги китоблар билан тўлдириб бориш муҳим эканлигини чуқур англаган кутубхоначи Саодатхон Тўрабоевнинг беимнун хизматида устозу ўқувчилар бирдай мамнун.

Саодат янгичўрғонлик Маҳаммадjon ака ва Раҳимхон аяларнинг учинчи фарзанди. У тумандаги 1-сонли ўрта мактабидан сўнг Насимий номидаги Наманган маданият ва оқартув техникумининг кутубхоначилик бўлимида тахсил олди. Меҳнат фаолиятини 1986 йили 12-ўрта мактабда кутубхоначиликдан бошлади.

– 36 йилдан бери шу кутубхонада ишлайман, – дейди Саодатхон. – Ўқувчилик йилларим амман билан янгам ишлайдиган марказий кутубхонага кўч борар, тоҳида китобхонлик бўйича турли тадбирлар ўтказилганини кўрадим. Уларга ҳавас қилганим учун шу касбни танлаганман.

Аждодларимизнинг «Дарахт бир жойда қўқаради» нақли айнан Саодатхонга айтилганди. Чунки у «Маданият ўчоғи» дея таърифланадиган мактаб кутубхонасида китобхонларни

дунёда бўлаётган воқеалардан бохабар қилиш, замон ва ёшлар талабига мос фаолият юритиш орқали заковатли бўлишларига муносиб ҳисса қўишини бурчим, деб билади.

– Китоб ўқиган одам ҳеч қачон хор бўлмайдиган ва камлик ҳам кўрмайди, – дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилфузахон Маҳмуджоновна. – Бирок китобга меҳрни оиладан бошлаш керак эканлигини унутмаслик лозим. Ўқувчиларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида «Китоб ҳафталиги» ўтказиш анъанага айланган. Шунингдек, китобхонлар орасида «Билим – ақл чироғи», «Ўзгаллик – илму маърифатда», Зукко китобхон», «Ёш китобхон», «Китоб – буюк ҳазина», «Заковат» каби қўриқ-танловлар, таниқли шоир ва ёзувчилар билан ижодий учрашувлар ўтказишда кутубхоначимиз Саодат Тўрабоевнинг узоқ йиллик тажрибасидан самарали фойдаланамиз.

– Китобсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман, – дея сўхбатимизни давом эттирди С. Тўрабоева. – Маошим оз, шароитим ёмон бўлган вақтларда ҳам касбимни жуда яхши кўришим туфайли ишимни алмаштирмаганман. Худого шукур, бир касб этагини тутиб, пенсияга етиб келдим. Бундан кейин ҳам насибам борича кенг китобхонлар оммасига сўқидилдан хизмат қилишини мақсад қилганман.

Меҳнат қилган элда азиз, дейдилар донишмандларимиз. Саодат Тўрабоева ўзининг узоқ йиллик ҳалол меҳнати, касбига фидойилигини, ғамхўр ва атрофдагиларга меҳрибонлиги туфайли чуқур ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди.

Саодатхон ҳамқишлоғи Нажмиддин билан турмуш қуриб, икки қиз ва бир ўғилни воёга етказди. Бува ва буви макомига етказган олти нафар набиралар уларнинг битмас-туганмас қувончи. Ҳаммага ҳам ана шундай қувонч насиб қилсин!

Намунали фаолият эътирофи

Ўз мухбиримиз.

МИБ вилоят бошқармасида тизим ходимлари ва уларнинг ота-оналари иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Очиқ, самимий руҳда ўтган тадбир аввалида бошқарма бошлиғи Бекзод Мирзаҳмедов мажбурий ижро бюроси органлари томонидан суд ва бошқа ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида тизимли чора-тадбирлар қўриб келинаётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда меҳнат интизомии, қўнунчилик ҳолатлари бузилишига йўл қўймаслик, прокуратура органи деган шарафли касбга садоқат билан хизмат қилиш ва фуқаролар билан ҳушмуомалада бўлиш ҳақида гапириб ўтилди.

Ўз ўрнида давлат ижрочилари ва уларнинг ота-оналари сўз олиб, бюроси органларида ходимлар учун яратиб берилаётган шароитлар, уларга жавобан фақат муносиб ишлаши, ўз хизмат вазибаларини виждонан бажаришларини айтиб ўтилди.

Тадбир якунида намунали хизмат қилиб келаётган бошқарма инспекторлари ва бўлимлар давлат ижрочилари пул мукофоти билан тақдирланишди. Ота-оналарига эса бошқарма бошлиғининг ташаккурномалари топширилди.

Аҳолини рўйхатга олиш

Нуриддин **НАЖМИДИНОВ**, вилоят статистика бошқармаси бўлим бошлиғи.

Аҳолини рўйхатга олиш – Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгилловчи шахста доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий мақсади, Ўзбекистон Республикасида аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва ҳолис ахборотни олишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги респондентлар рўйхатга олинади – аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

ФВБ фаолиятдан

Генерал ёшлар билан учрашди

Ҳақимжон **ХОЖИМАТОВ**, вилоят ФВБ КТ ва МИБ бошлиғи, капитан. Мурод **МУЛЛАБОВЕВ**, Наманган шаҳар ФВБ бошлиғи в. в. б., подполковник.

Наманган шаҳридаги 22-умумтаълим мактабида «Генерал ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди.



Унда иштирок этган вилоят ФВБ бошлиғи, генерал-майор Қосимали Аҳмедов ўқувчиларнинг ижоди, болажонлар томонидан ясалган уй-рўзгор буюмлари, спорт тўғараклари фаолияти билан яқиндан танишди.

Тадбирнинг асосий қисми ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига бағишланди. Қосимали Аҳмедов босиб ўтган ҳаёт йўли, юртимизда ёшларнинг баркамол бўлиб воёга етишлари учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида гапириб берди. Бутунги дориломон кўнларга осонликча эришилмаганини таъкидлаб, эртаминг эгаларини мард, жасур,

ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бутуннинг энг муҳим масаласи эканлигини таъкидлади. Учрашув давомида шунингдек, тизимда олиб борилаётган ислохотларга бағишланган видеолавҳа намойиш этилди, содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва шундай вазият юз берганда қандай ҳаракат қилиш тўғрисида ўқувчиларга тушунчалар берилди,

уларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Тадбир сўнида фан олимпиадаларида юқори натижа кўрсатган, спорт соҳасида фахрли ўринларни қўлга киритган ёшларга генерал-майорнинг эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Бу каби тадбирлар барча шаҳар ва туманларда ўтказилмоқда.

Ўзанлар тозаланмоқда

Рустам **ЭГАМБЕРДИЕВ**, вилоят ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ етакчи мутахассиси.

Ҳукумат комиссияси ва вазирлиқнинг тегишли топшириғига асосан, вилоят ФВБ томонидан жойларда табиий тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан ўрганишлар олиб боришмоқда.

Шу кунгача бошқарма ҳамда ҳудудий бўлимлар томонидан ишчи гуруҳлар билан ҳамкорликда хавfli манзиллар қўздан кечирилиб, қор қўчиши, сел ва сув тошқини юзата келиш хавfli маъжуд ҳудудларда назорат-қўзатув постлари ташкил қилинди. Жумладан, Чортоқдаги Арбағиш ҳамда Наманган туманининг Оқ ер

маҳаллалари ҳудудидан оқиб ўтган Алихонсой ва Намангансой сойларининг қирғоқларидан ўзан тозалаш, қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари бажарилади.

Бу каби юмушлар Поп, Чуст, Косонсой, Норин, Учқўрғон ва Янгичўрғон туманларида ҳам ФВБ ҳамда фавқулодда вазиятларда давлат қўли тизимлари ходимларини жалб этган ҳолда давом эттирилди.

Шунингдек, фавқулодда вазиятлар рўй берганда аҳолининг тўғри ҳаракатланиш борасидаги билим ва кўникмаларини оширишга доир ўқув машнудотларини мунтазам ўтказиш белгиланди.

ЭЪЛОН!

Уйчи тумани Ҳазиробод МФЙда жойлашган 7-сонли мактабгача таълим ташкилотининг бино-иншоотларини капитал таъмирлаш даврида чиққан (Б/У) иккиламчи қурилиш материаллари жами 26 183 200 сўм баҳода ОФЕРТА (шартнома, битим) тузиш ҳақидаги тақлиф) орқали тўғридан-тўғри олди-сотди шартномаси тузиш йўли билан **СОТУВГА ЧИҚАРИЛДИ**.

Материаллар номи	Микдори	Қиймати (сумда)
Шифер б/у	162	1 944 000
Шифер б/у	179	859 200
Пиломатериал, стропила б/у	3,89 куб	2 977 200
Рейка б/у, 4х4	3,0 куб	2 512 900
Пиломатериал, Турли ваасса	7 куб	408 000
Пиломатериал б/у, мауэрлат	1 куб	681 900
Пиломатериал б/у сарроб	2 куб	1 504 700
Пиломатериал б/у, столби	0,9 куб	725 500
Пиломатериал б/у, поповые	5,9 куб	3 744 400
Рейка б/у, 4х4	0,7 куб	459 700
Кирпич жёёный б/у	50900 дона	7 630 200
Трубы стальные (d=20 т) б/у	75 п/м	251 600
Трубы стальные (d=25 т) б/у	13,0 п/м	55 200
Трубы стальные (d=32 т) б/у	27,0 п/м	145 900
Трубы стальные (d=40 т) б/у	76,0 п/м	471 300
Трубы стальные (d=50 т) б/у	85,1 п/м	630 800
Уголок стальной 30х30	20,6 п/м	39 700
Арматура гладкая 10 мм	69,8 п/м	251 300
Уголок стальной 30х30	6,90 п/м	13 300
Уголок стальной 40х40	4,20 п/м	8 700
Пиломатериал непригодный, на дрова б/у	29,2 куб	2 918 000

Ишлаб чиққан иккиламчи эски материалларни сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар Уйчи тумани мактабгача таълим бўлимига мурожаат қилиб, қурилиш материалларини жойида қўриб, танишиб чиқишларини сўраймиз. Наманган шаҳар Нодира кўчаси, 6-уйда жойлашган «AVTO MULK TRADE» МЧЖга мурожаат қилиб - ишлаб чиққан иккиламчи эски материалларнинг фотосуратлари, баҳолаш ҳужжатлари билан танишиб чиқишингиз мумкин. Талабгорлар иккиламчи эски қурилиш материалларни 2023 йил 1 март кунидан бошлаб (якшанба кунидан ташқари) ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 га қадар ақчет аризаси билан мурожаат қилиб, тўғридан-тўғри сотиб олишлари мумкин.

Телефон: (93) 825-11-11.
Уйчи тумани мактабгача таълим бўлими.
«AVTO MULK TRADE» МЧЖ.
Гувоҳнома 965790.

БИЛДИРИШЛАР

Қосонсой тумани «Такаран» МФЙда яшовчи Дадажонов Зокир Собиржонович номига берилган ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Уйчи тумани Ёркатай МФЙда фаолият олиб борувчи «UYCHI DK LOGISTICS» МЧЖ (СТИР: 305984101)га тегишли 3 дона: Литва №0790616, Белоруссия №2537880, Қирғизистон №417-23016540 рақамли рухсатнома бланкалари йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Уйчи туманида фаолият олиб бораётган «ASL UMID ABROR» МЧЖга Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан берилган 2 дона: Белоруссия №2538513, Қирғизистон №417-23016538 рақамли рухсатнома (дазвол) бланкалари йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Уйчи туманида фаолият олиб бораётган «TURSUNBOY TRANS SERVICE» МЧЖга Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан берилган 2 дона: Россия №0833676, Польша №5678160 рақамли рухсатнома (дазвол) бланкалари йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Наманган шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 2022 йил 5 июлда №1159482-сонли реестр тартиб рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган «ELOVOD QURILISH LOYIHA» МСНЖ (СТИР: 309701394)га тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги ҳамда ихтиёрий равишда туғатилаётганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки (2) ой давомида қабул қилинади.

Тафаккур

Адолат кетган жойда кишилар ҳаёти қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди.



Бутун атоқли ўзбек шоираси Зулфияхоним таваллуд топган кун

Зулфия Шукух

Ҳаёт китобимни бехос varaқлаб,
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.
Табассум ўрнида қуддим чарақлаб,
Суйиш керак бўлса – телбача суйдим.

Кийганим ипакми, чигми ё кимхоб,
Юрак бойлигидан қилмабман парво.

Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабoқ.

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч қимда кўрмайин умримга ўхшаш:
Суйдим, Эрқаландим, Айрилдим,

Куйдим, Иззат нима – билдим.
Шу-да бир яшаш!..

Нуриддин БОБОХЎЖАЕВ

Соғинсам отажоним

Соғинсам отажоним, излайин қаерлардан?
Соғинсам нуртажоним излайин қаерлардан?

Ховлимиз саҳнасида излари қолганмикин,
Уғлимнинг ол юзида ислари қолганмикин.
Ё кўзгу нигоҳлари пайт тойлаб олганмикин,
Соғинсам отажоним, излайин қаерлардан?

Дастурхон ёзилганда неъматлар тиксилади,
Соғиниб ўлтираман юрагим тўксилади.
Қурай деб анорлар ҳам чокидан сўксилади,
Соғинсам отажоним, излайин қаерлардан?

Мўйсифид оталарга қуш каби талпинаман,
Қўрсам гар нигоҳларин сув каби қалқинаман.
Индомай яшайману ахлоки соғинаман,
Соғинсам отажоним, излайин қаерлардан?!

Истангиз

Излаганлар бизни саҳрон балодан истангиз...
Алишер Навоий.

Излаганлар, бизни ишқнинг,
Олаҳидан истангиз,
Ё сadoқат, ё вафоли
Одамидан истангиз,
Изламангиз, бизни ишқсиз,
Бенаволар қавмидан,
Маҳлиё этан чаманнинг
Гулишанидан истангиз,
Қўп хазинлик тўйди бошга,
Бизни бир дуст макридан,
Аҳдида турғувчи дустлар,
Гўлхандан истангиз,
Учрашиб қолсак мабодо,
Сўзламанг, беҳудда гап,
Сиз тафаккур донишини,
Асхандан истангиз,
Изламангиз, фикри тор,
Бадбон кишини тарзидан,
Илмидан тағлим берувчи,
Ул анидан истангиз,
Шукридан бунёд этиб ўй,
Пок кўнглининг меҳридан,
Ёзган айтар, бу саройни,
Рустамидан истангиз.

Рустамжон БОБОХЎЖАЕВ.

Санобар ҲАСАНОВА

Баҳор келаётмир

Баҳор келаётмир сизни сўроқлаб,
Ватан, деб жон берган эй азиз жонлар.
Азоб оловига қўқрагин тўтиб,
Зумда ёниб кетган эй азиз жонлар.

Баҳор келаётмир нурлари билан,
Бог-боғ, дала-дала гуллари билан.
Шеър ёдним сўзларнинг дурлари билан,
Баҳор келаётмир сизни сўроқлаб...

Ўзбек тилим

Ўзбек тилим – она тилим, сўюкчилигимсан,
Машҳурлигим, тиллар ичра буюкчилигимсан.
Навоийга сўз дурини ҳақиқиша беран.
Навоийга сўз дурини ҳақиқиша беран.
Навоийга сўз дурини ҳақиқиша беран.
Навоийга сўз дурини ҳақиқиша беран.
Навоийга сўз дурини ҳақиқиша беран.
Навоийга сўз дурини ҳақиқиша беран.

Аждодларим меҳр бирла сени ўйлаган,
Достон, газал-сеҳр бирла сени ўйлаган.
Назм бирла, наср бирла сени ўйлаган.
Толиқмасим, забардастим она тилимсан
Алла, қўшиқ яратувчи буюк илмсан.

Алишер БОБОХЎЖАЕВ

Қаламкашлар

Гоҳ шоирсиз, гоҳ носир, ҳушқалом қаламкашлар
Юрагимда сизларга эҳтиром қаламкашлар.

Топиб элда эътибор, мардлик, фидойилик ёр,
Камтарин ҳамда ҳалол сиз мубом қаламкашлар.

Қаноат сабру чидам, бедор тунларда ҳамдам,
Ижод йўлида ҳар дам беором қаламкашлар.

Истеъдод улғу неъмат, Яратгандан иноят,
Берилган сизга ҳақат бу инъом қаламкашлар.

Қаламкаш олий ўнот, демаксим тоза виждон,
Шарофати юз чандон эҳтиром қаламкашлар.

Омад ҳақиқиша қулсин, олам қўшиққа тўлсин,
Эзгу ишингиз унсин барвақом қаламкашлар.

Ўргилиб ўнгу сўлдан, тутарман икки қўлдан,
Муборак дейман дилдан шўл айём қаламкашлар.

Ҳар баҳор бетакрор...

Шоҳида ДАМИНОВА ёзиб олди.

пастидаги столда эса янги узилган гуллар солинган гулдон бўларди. Турмуш ўртонини эсламаган, у ҳақида бирор бир воқеани айтиб бермаган, унинг қаламига мансуб сатрларни ёддан ўқимаган кунлари йўқ эди. Тез-тез кечки сайрга чиқар эдик. Уша даврдати пойтахтнинг энг катта дўконларидан бири бўлган ЦУМ, яъни марказий дўконнинг орқасидаги кўп қаватли уйда турардик. Албатта, гул дўконидан чиройли гуллар харид қилиб, яқин май-дондаги Ҳамид Олимжоннинг хайкали пойига қўйиб келардик. «Ҳамид Олимжонга борайлик» дердилар, «Ҳамид Олимжоннинг хайкалига борайлик» демасдилар. Демакки, Ҳамид Олимжон шоира наздида доимо тирик ва унинг ҳаёт йўлларида ҳамиша йўлдош эди.

Ҳаёт таъвишларидан, кийинчиликлардан чекинмай, умр бўйи меҳнат қилган, 35 йил давомида республика хотин-қизларининг «Саодат» журналига муҳаррирлик қилган, ҳалқаро «Жавоҳирлаё Неру» ва «Нилуфар» мукофотлари совриндорги, моҳир таржимон, дунё минбарларини ўз шеърлари жананги билан забт эта олган, хоҳласа бир эмас, унлаб қимматбаҳо тақинчоклар сотиб олишга қўрби етадиган соддатгина Зулфия опа ҳеч қачон

ҳашамга берилмаган. Одмигина кийинарди. Аммо, ягона – феруза қўзли қумуш узутини ҳеч қачон қўлидан ечмасди. «Бунги Ҳамид Олимжон совга қилган», дея меҳр билан кўп такрорларди. Бу шоиранинг ўз ёрига сadoқати, ҳурмати рамзи эди.

Зулфияхоним баҳорни, оппоқ тонни, гуллари нафис ва нозик тўйчулар билан севарди. Улардан қанчалик илҳомланиши унинг шеърларидан ҳам маълум. Февраль ойининг сўнги кунлари, баҳор фаслининг илк эпкинлари майсалар, дарахт қуртаклари шоирани шунчалик қувонтирар эдики, қўзлари севинчдан порлар эди. Шунинг учун бўлса керак, ҳозир ҳам баҳор ҳидини олиб келувчи илк баҳорий шабадалар мента шоирани эслатаверди.

Хоҳ қаҳратон совуқда бўлсин, хоҳ жазирама иссиқда бўлсин уйдаги гулдонда ҳамиша янги узилган гуллар солинган бўларди. Эрта баҳордан дарак берувчи бинафша ва чўчмоллар ер бағридан униб чиқиши билан шоиранинг уйидаги мўъжазгина билдур гулдончаларни беэоб, унга олам-олам завқ бағишларди. Буларни кўпинча шоғирлари тўхфа қилишарди.

Кишлоқда тунлиб, улғайган бўлсам-да бинафша ва чўчмолани илк

бор Тошкенти азимдаги ана шу хонадонда қўлим билан ушлаб кўрганман.

Шоиранинг уйларидан шоғирларди, дўстлари, адабиёт аҳли аримас эди. Айниқса, 1-март куни хонадон тўйхонага айланарди. Уни йўқлаб узок-яқиндан меҳмонлар жуда кўп келишарди.

Зулфия опа қўлаб қаламкашларни ижод сўқмоқларидан олиб ўтиб, юксалишига йўл очиб берган, десам муболага бўлмайди. Унга деярли ҳамма «Аяжон» дея мурожаат қиларди. Аяжоннинг меҳрлари чексиз эди. Ҳеч қачон кечки сайрни қанда қилмас эдилар. «Табиат гўзаллигидан баҳра олиш керак, кўп юрсанг, соғлом бўласан», дея ўтти берардилар. Йўл бўйи доимо ўнг қўллари билан бошимни силаб юрардилар. Аяжонни эсласам, ҳозир ҳам ана шу кайноқ қўлар тафтини туюман.

Шеърларига қалбининг суратини муҳраган, ҳаёти вафо ва сadoқатга йўғрилган Зулфияхоним ажиб бир шеърят чаманини яратиб кетди. Аминманки, ҳалқимиз, келажақ авлод бу чаманини муносиб қадрайди, асраб-авайлайди.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРИМИЗ
www.namhaqiqat.uz
@NamanganHaqiqati_Rasmiy



● Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Энтони Блинкен Ўзбекистонга ташриф буюради. Сафардан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистон – Америка стратегик шериклигини янада ривожлантириш масаласини муҳокама қилишдан иборат.

● Покистон Ислам Республикаси делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида ҳар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилувчи бир қатор ҳужжатлар, жумладан трансaфтон темирйўлини қуриш лойиҳасини ҳаёта татбиқ этиши тезлаштириш бўйича келишувга эришилди.

● 2022 йилда Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикалари ўртасидаги ўзаро товар айирбоқлаш 53 фоизга ошган. Жорий йилда бу кўрсаткич 1 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

● Туркияда юз берган табиий офат оқибатида жабрланганларни қутқариб олишда фаол қатнашган ўзбекистонлик қутқарувчилар 25 февраль куни Ватанга қайтдилар. 18 кунлик қидирув-қутқарув ишлари давомида юрдошларимиз томонидан 18 нафар киши қутқариб олинди, 100 нафардан ортик ҳалок бўлганлар вайроналар остидан олиб чиқилди. Зилиладан жабрланган фуқароларни қутқариш учун Туркияга дунёнинг 80 дан ортик давлатидан қутқарувчилар келган.

● Дубайда ўтаётган UAE SWAT Challenge 2023 - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи махсус қучлар ўртасидаги норасмий жаҳон чемпионатида иштирок этаётган Ўзбекистон жамоаси олтин медаль соҳибига айланди. Мазкур биринчиликда 28 давлатдан келган 57 жамоа иштирок этмоқда.



● 1961 йили музейга айлантирилган Марказий Осиёдаги йирик ва ноёб меъморий ёдгорликлардан бири бўлган Ичан қалъа меъморий обидаси 1990 йилда Бутунжаҳон ёдгорликлари рўйхатидан ҳам жой олганди. Маданий мерос агентлиги ахборот хизмати маълумотларига кўра, энди у дунёнинг 9 та ажойиб қалъа шаҳарлари қаторига ҳам кирди.

● 1-18 март кунлари Тошкент ҳамда Фарғонада 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида бўлиб ўтадиган Осиё кубogi уйинлари дунёнинг юзга яқин мамлакатдаги телеканал ва интернет тармони орқали намойиш этилади. Эслатиб ўтамиз, уйинларда қитъанинг 16 та жамоаси совринли ўринлар ҳамда Индонезияда ўтадиган ЖЧ йўлланмаси учун баҳслашади.

● Туркияда содир бўлган зилилада биноларнинг қулашига алоқадорликда гумон қилинган олий юз нафардан ортик шахста нисбатан тергов ишлари бошланди. Мамлакат Адлия вазирли Бекир Бозданининг айтишича, 612 гумонланувчидан 184 нафари хибсда, суд ҳукмини кутмоқда.

● 26 февраль куни Италиянинг Кротон шаҳри жанубида бортида 180 дан 250 нафаргача муҳожир бўлган кема ҳалокатга учради. Мамлакат Бош вазирли Жоржи Мелони фожилага тўфон пайтида бортида 200 киши бўлган 20 метрлик кайикни шароитни ҳисобга олмасдан сувга туширган одам савдоси гуруҳини айблади.

● Хитой Мудоофа вазирлиги Венрия, Германия мамлакатлари, Европа Иттифоқи ва НАТО қароргоҳида ҳалқаро ва минтақавий ҳафсизлик бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш учун делегация юборди.



● Bloomberg хабарига кўра, Саудия Арабистонининг нефть ва нефть махсулотлари экспортидан 2022 йилдаги даромади 326 миллиард долларни ташкил этган.

● Туркиянинг Адияманда шаҳрида жабрланганларга қўмақлашш чотида вайроналар остида қолиб ҳалок бўлган мексикалик қутқарувчиларга тегитили бўлган қидирув-қутқарув ити – Протеон хотирасига атаб Истанбулда хайкали ўрнатилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАФТАЛИК ОБ-ҲАВО

ЧОРШАНБА, 1	ПАЙШАНБА, 2	ЖУМА, 3	ШАНБА, 4	ЯКШАНБА, 5	ДУШАНБА, 6	СЕСАНБА, 7
+17 +2	+18 +3	+18 +6	+19 +7	+19 +10	+18 +8	+21 +8

ВАЛЮТА

2023 йил 1 март ҳисобига cbu.uz	1 АҚШ доллари	11336.04	1 Япония иенаси	82.91
	1 ЕВРО	12023.00	1 Швейцария франки	12087.91
	1 Россия рубли	151.52	1 Қирғиз соми	129.64
	1 Англия фунт стерлинги	13688.27	1 Қозғистон тенгеси	25.47

Тафаккур

Ердаги барча гўзалликлар аёлга бўлган муҳаббат туфайли юзага келган.

Наманган ҳақиқати

Муассис:

Наманган вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир:

Акрамжон САТТОРОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона: (69) 227-89-43.

Котибият: (69) 227-91-25.

Маданият бўлими: (69) 227-95-21.

Давлат қурилиши ва қонунчилик бўлими: (69) 227-91-50.

Ахлоқ бўлими: (69) 227-91-50.

Умумиқтисодий бўлими: (69) 227-96-60.

Халқар ва оммавий ишлар бўлими: (69) 227-93-39.

Эълонлар бўлими: (69) 227-91-19.

Ҳисобхона: (69) 227-98-31.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 22 декабрда 08-0001 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Таҳририят манзили: 160108. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.

Индекс: 5000.

Навбатчи муҳаррир: Илҳомжон Жуманазаров.

Навбатчи: Гулҳебра Бувамирзаева.

Мусахҳх: Насимжон Юнусов.

Саҳифаловчи-дизайнер: Абдуқаҳҳор Юлибоев.

Таҳририятта 14 шрифти, 1,5 интервалда 5 қоғоздан ортик (шунингдек қўлёзмалар ҳам) мақолалар қабул қилинмайди. Топширилган материаллар эгасига қайтарилмайди.

«Poligraf press» МЧЖда офсет усулида 10 821 нусхада чоп этилди.

Қоғоз бичими – А-2.

Ҳажми – 2 босма табоқ.

Қорхона манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 (6)-уй.

Буюртма: 136.

Босишга топшириш вақти: 17.00

Топширилди: 21.00

Сотувдаги баҳоси: 3000 сўм

www.namhaqiqat.uz

@NamanganHaqiqati_Rasmiy

nam-haqiqat@gmail.uz

ISSN: 2091-5853

– белгиси билан тижорий мақолалар берилади.